

## СОЗАНДАЛИК САНЪАТИНИНГ БАРМОҚДАГИ НОЛАЛАРИ.

**Раҳмонов Улуғбек Каримовч***Фаргона давлат университети, Сиртқи бўлим, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси, Ўрта махсус касб-хунар таълими аълочиси,***Солиев Абдусалом Рахимовч***ўқитувчи*

**Аннотация.** Ушбу мақола ўзбек музыка санъатида созандалар санъатида чолғу ижрочилигини тутган ўрни, унинг ривожланиш тарихи ва маданиятда тутган ўрни, ҳар бир чолғуни созандалар санъатидаги ўз ўрни ва келиб чиқиш жараёнлари ҳақида фикр юритилган.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается роль музыкальных инструментов в искусстве музыкантов узбекской музыки, история ее развития и роль в культуре, роль каждого инструмента в искусстве музыкантов, процессы его возникновения.

**Annatation.** This article discusses the role of musical instruments in the art of musicians of Uzbek music, the history of its development and role in culture, the role of each instrument in the art of musicians, the processes of its emergence.

**Калит сўзлар.** *Замонавий, созанда, тараққиёт, кўп асрлик, анъана, мерос, мезон, табиат, муносабат, сиру-асрор, тафаккур, урма зарбли чолғу, шовқинли чолғу.*

**Ключевые слова.** *Модерн, музыкант, развитие, исконный, традиция, наследие, эталон, природа, отношение, тайна, мысль, ударный инструмент, шумный инструмент.*

**Keywords.** *Modern, musician, development, primordial, tradition, heritage, standard, nature, attitude, mystery, thought, percussion instrument, noisy instrument.*

Инсоният ҳаётининг мазмуни унинг ижодиёти маҳсули билан ўлчанади. Қайси халқнинг ўтмиши узоқ, маънавияти бой, мероси чексиз бўлса, албатта бу халқнинг истиқболи Буюк, келажак авлоди эса баркамолдир. Ижод ҳаётни гўзаллаштирувчи, олам сиру-асрорларини очувчи, инсоният тафаккурини англлатувчи неъматдир. Лекин, уларнинг ҳаммаси бир мезонга, яъни табиат ва унга бўлган муносабатга асосланади. Унинг заминада эса ишқ, нафосат, ишонч ҳамда тафаккур ўзига хос эркинликка эришиб, жонли жараёнда ўз мўъжизасини кашф этади. Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти қурила-ётган бир пайтда, миллий санъатимизнинг барча турларида бўлгани каби, созандалик санъатининг ўзига хосликларини сақлаб қолиш, ривожлантириш, янгича тус бериш борасида устоз созандалар бизларга қолдириб кетган номоддий мерослари асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбек миллий созандалик санъатида шаклланган якка, икки ёки ундан ортиқ чолғу созлар ишти-

рокидаги ижро услублари, уларнинг турли миллий ва умуммиллий кўринишлари такомиллашиб, янги ижрочилик услубига эга бўлган турли оқимларнинг вужудга келиши кузатилмоқда. Ўзбек халқ чолғуларида замона-вий созандалар санъатининг тараққиётида кўп асрлик анъаналар мерос бўлиб келмоқда. Халқ чолғу созандалар санъатида чолғуларни ўрни беқиёсдир. Адабий манбаларда эътироф этилишга кўра дастлабки мусиқа чолғулари эрамиздан аввалги XIII минг йилликда дунёга келган деб тахмин қилинади. Мусиқачиликда дастлаб урма зарбли чолғулар пайдо бўлган. Кейинчалик шовқинли чолғулар пайдо бўлган. Ижрочилар қарсак чалиб ритмни таъкид-ладилар, шовқинли чолғулар таъсирини кучайтирдилар. Кейинроқ халқ усталари томонидан қамиш ёки бамбук поясидан сурнай, хуштак, яна бироз ўтгач най (бўйлама, кўнгаланг, кўп йўлли), найсимон хуштаклар, шиқилдироқлар, чилторлар (арфа, лира) ва кифаралар ясалди. Вақтлар ўтиб у чолғулар янада такомиллашиб найлар юзага келди. Сўнроқ торли мизробли ва торли камон-чали мусиқа чолғулари пайдо бўлди. Улар сарой аъёнларининг маросим-ларида, ҳарбий юришларида фойдаланилган. Қадимги Шарқ маданияти ривожланишида ўзбек халқ чолғулари шаклланди. Улар кўп асрлик тараққиёт давомида ўзига хос хусусиятларини товуш тусини сақлаб қолди. Ўзига хос тузилиши туфайли най, сурнай, танбур, дутор, рубоб, гижжак, қобузлар анъанавий шаклларда бизгача етиб келди. IX аср охирида Ўрта Осиёда якка-навоз, ансамбл мусиқачилиги ва рақсни ўз ичига олган вокал-чолғу мусиқа туркуми турлари шаклланган эди. Ўша пайтда бу бир неча дамли, яъни карнай, сурнай ва урма зарбли чолғулар, яъни ноғора, чиндовул асбобларнинг биргалик чалинишидан ҳосил бўлган. Дутор ижрочилиги ўша пайтда фақат камер хусусият касб этган бўлиб, бу ижрочилик санъатини асосан аёллар эгаллаган эдилар.

Ўрта аср мусиқа ижрочилиги маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, чолғучилар нафақат бир неча турдаги мусиқа асбобларини чала олган, балки, ўзлари ҳам мусиқа басталаганлар. Чолғучилар ўз даври-нинг етук мусиқачилари ва шоирлари ҳам бўлишган. Ўрта аср шароитида мусиқий ихтисослашув махсус мусиқий устахоналарни пайдо бўлишига олиб келди. Бу ерда устоз-шогирд анъаналари қарор топиб ривожланди. Айни пайтда ансамбль ижрочилиги такомиллишти, мусиқа санъатининг асосий кўринишлари шаклланиб чолғу асбобларининг янги намуналари кашф этил-иши ҳам ўша узоқ даврларга бориб тақалади. Шарқ олимларининг назарий қарашлари мавжуд ижрочилик санъати тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, улар ўз рисолаларида мусиқанинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумотлар берилган. Инсон овозига азалдан энг мукам-мал чолғу ҳисобланган. Торли - мизробли ёки торли камончали мусиқа чолғулари ижрочилари ҳамиша ўзлари яратган куйлар оҳангини инсон овозига таъсирлироқ, самимийроқ, равонроқ чиқаришга интилишган. Куй оҳанги инсон овозига жуда яқин турган чолғулар уд ва рубобни батафсил таърифлаган. XIX аср охири – XX аср бошида ўзбек халқ чолғуларининг ижрочилик имкониятлари доимо кенгайди ва такомиллашди. Турли хил халқ чолғу ансамблларининг ташкил

этилиши, якканавоз чолғучиликнинг ривож-ланиши мусиқа усталаридан чолғуларни янада мукаммаллаштиришни талаб этди. XIX асрда ижрочилик амалиётида най, кўшнай, сурнай, карнай, бўла-ман, чанг, қашқар рубоб, афғон рубоб, танбур, дутор, дўмбира, ғижжак, сато, доира. қайроқ, сафойил каби чолғулар мустаҳкам ўрин олди. Янги мусиқа чолғулари секин аста турмушга кириб келиши ансамблларда мустаҳкам ўрин олди. Мусиқа чолғулар томонидан кўшиқ ва рақсларга жўр ҳолда ҳам кенг фойдаланилди, оҳангларнинг таъсирчанлиги турли мусиқий қочиримлар билан тўлдирилди. Бу давр Туркистон ўлкаси мусиқий ҳаётида бошқа ижобий воқеалар ҳам юз берди. Ўрта Осиёга Европа чолғулари кириб кела бошлади. Буларга симфоник оркестр, дамли ва урма зарбли чолғулар оркестр-трининг мусиқа чолғулари, фортепьяно, дўмбира чолғуларни мисол кўр-сатиш мумкин. Хоразмда Россиядан келтирилган гармон чолғуси пайдо бўл-ди. Фарғонада ва Тошкентда ғижжакни скрипка билан алмаштирила бошла-дилар. Айни пайтда ўзбек халқ мусиқа асбоблари икониятларидан келиб чиқиб, рус оҳангларига баъзан ўзгартиришлар киритилган янги кўринишлари кириб келди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди, янгидан - янги шакллари пайдо бўлди. Халқ ижрочилиги анъаналари асосида янги, нисбатан мураккаб ва мукаммал, халқ ҳаётининг турли томонларини ёритувчи куй ва кўшиқлар яратила бошлади. Таниқли дуторчи, танбурчи, доирачи, найчи, сурнайчи, бўламончи, ғижжакчи, қашқар ва афғон рубобчилар пайдо бўлди. Мусиқа ижрочилиги санъатида мақом жанрини тиклаш ва ривожлантириш давом этди. Мақом ўзининг оҳанг ва ритм қонуниятларига кўра халқ кўшиқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, фақат қамровининг кенглиги билан фарқланар эди. Одатда ҳар бир мақом икки катта қисмга бўлинади. Биринчиси – фақат чолғуларда ижро этилган қисм бўлиб, мушкilot деб, иккинчиси – чолғулар жўрлигида айтиладиган ашула қисми бўлиб, у наср деб аталган. Наср ўз ичига рақс куйи уфорни ҳам ўз ичига олган. Мақомлар ижросида хонандалар бир қаторди таркиби турлича бўлган ўзбек чолғулари ансамбллари ҳам иштирок этди. Чолғулар ансамблига Бухорода танбур ва доира, Хоразмда эса дутор, ғижжак, бўламон, доира ёки танбур, гармон, рубоб, доира кирган. Фарғона ва Тошкент вилоятларида ансамбль 8-10 ижрочидан иборат бўлиб, буларга най, кўшнай, чанг, рубоб, дутор, танбур, доира ва ғижжак чолғулари ўрин олган. Бундан ташқари 3-4 кишидан ташкил топган кичик ансамбллар яъни, най, чанг, рубоб, дутор, танбур, доира ва ғижжак, баъзан иккита чолғу-лар бўлиб, булар икки танбур, икки дутор ёки икки ғижжак, икки рубоб кабилардан иборат бўлган. Зеро, мустақиллик даврида миллий мусиқага бўл-ган эътибор, хусусан чолғу жанрининг маҳаллий кўринишлари, куйларнинг шакл, фактура ҳамда оҳанг жиҳатилари, соз ижрочилигининг маҳаллий ва бадий мезонлари ва ниҳоят, унинг аутентик кўринишдаги ижросига имкон яратмоқда.

Мустақиллик даврида ўзбек гуруҳли чолғу ижрочилиги санъати бадиҳа (импровизация) услубидаги йўналиш пайдо бўлди. Мазкур оқим миллий мусиқамиз

табиатидан яхши хабардор, назарий ва амалий мушоҳадали, ижро-вий имкониятлари юқори даражадаги созандалар – Ўзбекистон халқ артист-лар Абдуҳошим Исмоилов (гижжак), Абдулахад Абдурашидов (най), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурахмон Холтожиев, ҳамда Умарали Бултуров (уд) ва Кўчқор Саидов (доира)да ҳамкорликлари вужудга келди. Гуруҳ ижросидаги асарларнинг шаклий қурилмаси, интонацион хусу-сиятлари, усуллар мажмуи ўзбек мусиқий мжрочилик анъаналарига хос ва мос тарзда, товушқатори температурацияланмаган созлар иштирокида яратилди. Ижрочи жараёнида созандалар томонидан соф чолғу асарларидан тортиб айтим йўлларига қилинадиган жўрнавозлик асносида тўсатдан, эркин, бир хил баландликда садоланиши, доираларнинг кучсиз ҳиссаларда, мураккаб зарблар ёрдамида ишлатадиган қочиримлар, карнайларнинг “даҳана” бўлак-ларида ҳосил қилинадиган товушлар билан ифодаланади. Натижада гуруҳ томонидан акс эттириладиган миллий мусиқий-эстетик меъёр бадиҳа жараёнини томоша даражасига кўтарилишида муҳим омил вазифасини ўтайди. Гуруҳ фаолиятида мустақиллик мавзусига бағишланган асарлар алоҳида ўрин олган. Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов томонидан яратилган “Тўйона”, “Дил байрами”, “Буюк чинор”, “Ахмад Фарғоний” ва яна қатор асарларни келтиришимиз мумкин.

Муסיқа инсон турмуш тарзини юксалтирувчи маънавий кучдир. Инсон турмуш маданиятида муҳим ўрин тутган соҳалар каби муסיқа ҳам муайян восита ва ўзига хос сифатларга эга ҳисобланади. Муסיқанинг илк босқичи товуш бўлса, оҳанг, куй ва асар унинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Одатда, “сўз камтарлик қилган пайтларда муסיқа жон ато этади” деган халқ ибораси бор. Дарҳақиқат, товушлар уйғунлиги асосида пайдо бўладиган куй-оҳанглардан муайян маъноларни ифода этувчи асарлар дунёга келади. Созандалар санъатида ҳар бир куй ўзининг кўриниши ва маъносига эга. Уларнинг мукамал ижроси ҳар қандай куй, асарнинг сеҳрини англантишга қодир бўлади. Зеро, куй оҳангларда ифодаланган муסיқавий фикрдир. Шу боис ҳар қандай асарнинг маънан қай даражада эканлиги ижро орқали инсоният онгига ўтказилади.

Аслида, инсониятнинг муסיқа ижрочилигини ривожлантириш ва мукамал даражага етказиш йўлидаги саъий-ҳаракатлар натижасида муסיқий чолғу, муסיқий асар, йўналиш ва жамланган беҳисоб маданий меърос юзага келган. Муסיқий меърос инсониятнинг ҳаёти, қувончи, қайғуси, орзуси ва умиди, ўтмиши ва келажаги, миллий қадрияти ва юзи десак адашмаган бўла-миз. Шу боис, муסיқанинг барча меъзонлари қаторида созандалар санъатида ижрочилик масаласи доимо миллийлик, моҳирлик ва маданий савияни англантиб турувчи омил сифатида алоҳида эътиборда бўлиб келган. Бу ўтмишдан санъаткорлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этиб келган устоз-шогирд тизими асосида кадрланиб келинган. Унинг заминиде муסיқий меросни англаб идроклаш, ўзлаштириш ва муносиб ижросига эришиш каби муҳим жараёнлар ётади.

Созандалар санъатида тингловчиларни ижрочилик дунёсини англашга ундаган ҳам айнан муסיқанинг сеҳри, ўтмиш алломаларнинг амаллари ва замонавий

ижрочилик амалиётида кечаётган меъзонлардир. Шу боис, биз-нинг назаримизда “Созандалар санъатида” деб тушуниладиган соҳанинг зоҳирий ва ботиний маъноларини эга. “Созандалар санъатида” мусиқа санъ-атининг асосларидан бири сифатида унинг борлигини ифода этувчи жараён ҳамда маҳорат даражасини аниқлаб берувчи омилдир. Чунончи, созандалар санъатида зоҳирий томонларини кўз билан кўриб, маъносини қалбан ҳис этиб баҳраманд бўладиган бу жонли жараёнда куй, ашулаларнинг юзага келиши учун муҳим ҳисобланган бир қатор сифат ва ҳусусиятлар уйғунлашган. Мусиқада созандалар санъатининг асосий кўринишлари ҳонандалик, чолғучилик, созандалик ҳамда рақс йўналишларида намоён бўлди.

Ижрочилик азалдан инсониятнинг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Унинг қамрови шу даражада кенгки, оддий ҳаётининг шарт-шароитларга боғлиқ куйлардан – йирик кўринишдаги асарларгача хилма-хил шаклларда ўз аксини топади. Мусиқий асарларнинг парда, усул ва шакл асослари, ижодиёт ҳамда унинг амалий тақдими созандалар санъатини бир-бирига боғлаб турувчи жараёнлардир. Азалдан мусиқий маданият савия-сини белгилаб, ҳайратга солиб, мусиқашунос олимларнинг илмий-назарий тадқиқотларига асос бўлган омиллар ҳам айнан шулардир. Созандалар санъати масалалари билан боғлиқ жараёнлар, нафақат соҳа мутахассислари ва мусиқашунос олимларининг назаридан четда бўлмаган. Унинг сирли олами доимо инсоният назлида ўзини намоён этиб келган. Шу боис унинг ривожидан нафақат ижодкор ва унинг талқинчиси, балки тингловчисининг ҳам муносабатлари муҳим аҳамият касб этиб келган. Бунга Ал-Фаробий, Ибн-Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Абдурауф Фитрат яратиб қолдирган ижодий меъросларидан мисоллар келтиришимиз мумкин.

Қайт этиш жоизки, созандалар санъатида доимо уч жиҳат муштарак ривожланган. Булар ижод, талқин ва тингловчилар билан ҳиссий, яъни психологик боғланиш. Ижро савияси ана шу жиҳатларнинг мутаносиблигига бевосита боғлиқдир. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган ва мусиқий меъроси-миздан муносиб ўрин олган наъмуналар ҳам айнан мана шу ижодиётнинг уч босқичда тобланиб, халқнинг тафаккурига сингган асарлар десак муболаға бўлмас. Қайд этиш жоизки, бу омил халқ мусиқа меъросининг иккинчи касбий мусиқа қатламига хосдир. Шу боис унинг муайян ижодкори, билимли ва маҳоратли ижрочиси ҳамда мухлиси ва тингловчиси мавжуд.

Ҳаммамизга маълумки, товуш мусиқанинг негизидир. Лекин, товуш зоҳирий кўриниш эканлиги ҳамда унга турли ҳараклар билан эришилиши барчага аёндыр. Энг муҳими товушни чиройли, гўзал, маъноли, дардли тараннум этишдир. Ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси, хазрат Алишер Навоий айтганидек “...кўнгил хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади” деб таъриф берган. Ўз ўрнида бу – ижрочиликнинг моҳиятини очиб берувчи меъзонлар ҳисобланади. Одатда, ижрочилик, бевосита мусиқий асарларнинг талқинин билан боғлиқ бўлган бир қатор табиий, назарий ва амалий жиҳатларни ўзида мужассам этади. Қобилият, билим,

созандалик, хофизлик, жўр бўлиш маҳорати, бадихагўйлик маҳорати, сабоқ, ижодий ёндашиш, талқин кабилар шулар жумласидандир. Ҳолбуки, мана шу жиҳатларни ўз ижросида мужассам эта олган ҳар қандай ижрочи, албатта моҳир ҳамда билимдон ижрочилар қаторидан жой олади. Шубҳа йўқки, бу жиҳатлар ижрочиликнинг амалий мезонларидир.

Шуни эътироф ўтиш жоизки, ҳаётимиздаги мавжуд соҳалар каби созандалар санъати ҳам ўзининг амалиётда шаклланган, авлоддан авлодга ўтиб чархланган назарий ва амалий анъаналарига эгадир. Анъаналарга содиқ қолиш, уларни ўзлаштириш ва ривожлантириш мумтоз ижрочиликнинг жонли ҳаракатини намоён этади. Замон билан ҳамнафас эканлигидан далолат беради.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Vasiljonov, A. (2022). LINGVISTIK TADQIQOTLARDA KORPUS O'RGANISH OBYEKTI SIFATIDA. *IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIIY JURNALI*, 2(11), 176-182.

A. Vasiljonov (2022). PRAGMALINGVISTIKA VA UNING TAHLILIIY SHAKLLANISH TARIXI. *Science and innovation*, 1 (B8), 99-105. doi: 10.5281/zenodo.7336283

2. Vasiljonov, A. (2022). BASIC THEORETICAL PRINCIPLES OF CORPUS LINGUISTICS. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(02), 173-175.

3. E. Najmiddinov, A. Rasujonov, & J. Rahimov (2022). FARG'ONA VODIYSI SUV HAVZALARIDAGI BALIQLAR GELMINTLARI. *Science and innovation*, 1 (D8), 145-151. doi: 10.5281/zenodo.7335759

4. Najmiddinov, Eldor , Rasuljonov, Adhamjon, & Rahimov, Javohir (2022). FISH HELMINTHS IN FISH RESERVOIRS OF FERGANA VALLEY. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 1049-1054.

5. E. Najmiddinov (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА “ИХТИОЛОГИЯ ВА ГИДРОБИОЛОГИЯ” СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (D8), 152-160. doi: 10.5281/zenodo.7335800

6. E. Najmiddinov (2022). TABIATNING MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARNI BARKAMOL AVLOD BO'LIB SHAKLLANISHIDAGI ANAMIYATI. *Science and innovation*, 1 (B8), 149-154. doi: 10.5281/zenodo.7336353

7. Юлдашев, Э., & Нажмиддинов, Э. (2013). БРАКОНИДЫ (Hymenoptera, Braconidae) РОДА *ROGAS NEES* ФАУНЫ СРЕДНЕЙ АЗИИ. In *Биоразнообразие и рациональное использование природных ресурсов* (pp. 134-136).

8. Нажмиддинов, Э. Х., Кучбоев, А. Э., Мухаммадиев, М. А., & Соатов, Б. Б. (2021). Эколого-морфологические характеристики нематод рода *Rhabdochona*-паразитов обыкновенной маринки. *Теория и практика борьбы с паразитарными болезнями*, (22), 387-393.

9. Kuchboev, A. E., Najmidinov, E. K., Mukhamediev, M. A., Karimova, R. R., & Yildiz, K. (2021). Morphological and ecological features of some nematodes of the genus *Rhabdochona* in marinka obtained from Fergana Valley, Uzbekistan. *Journal of Parasitic Diseases*, 45(4), 1084-1089.
10. Xabibulloxonov, M. Z. (2022). RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR SHAROITIDA INFORMATIKA FANINI OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANIB O'QITISH. *Conferencea*, 199-202.
11. Dilshodbek O'g'li, R. S. (2022). The Role Of Physical Culture In Providing The Psychological Health Of The Athlete. *Innovative Developments And Research In Education, Canada*.
12. Dilshodbek o'g'li, R. S. (2022). Motiv Va Motivatsiya Muammosining Jahon Va Mahalliy Psixologlar Tomonidan Tadqiq Etilganligi. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(11), 256-259.
13. Dilshodbek o'g'li, R. S. (2022). TALABALARDA TOLERANTLIKNI RIVOJLANTIRISH–IJTIMOIY PSIXOLOGIK MUAMMO SIFATIDA. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 66-70.
14. Dilshodbek o'g'li, R. S. (2022). Sportchi Psixologik Salomatligiga Ta'sir Etuvchi Omillar. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(11), 117-121.
15. Dilshodbek o'g'li, R. S. (2022). PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF THE SPORTSMAN PERSONALITY DURING COMPETITIONS. *IJTIMOYIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(11), 215-221.
16. Qurbonova, S. (2022). KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARDA AQLIY INTELLEKTNING RIVOJLANISHI. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(12), 73-79.
17. Курбонова, С. (2022). ПСИХОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ. *MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH*, 2(17), 191-194.
18. Qurbonova, S. (2022, June). ON THE ANALYSIS OF LEXICAL UNITS IN PSYCHOLINGUISTICS. In *International Conference on Research Identity, Value and Ethics* (pp. 512-513).
19. Miralimjanovna, Q. S. (2022). O 'SMIRLIK DAVRIDA TURLI XIL QATLAMGA EGA BOLGANLARNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 39-44.
20. Miralimjanovna, Q. S. (2022). CHET EL OLIMLARI TOMONIDAN GURUHDAGI O 'SMIRLAR VA AUTSAYDERLAR MUAMMOSINI O 'RGANILISHNING OZIGA XOSLIGI. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 33-38.

21. Noxida, D., & Saida, Q. (2022). TALABA QIZLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING ETNOPSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(11), 309-314.
22. Sodirzoda, M. M. (2021). Techniques of using folk proverbs in the cultivation of oral speech of primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 481-484.
23. Sodirzoda, M. M. (2021). TO INCULGATE NATIONAL AND SPIRITUAL VALUES IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS THROUGH ETIQUETTE LESSONS. *Conferencea*, 31-32.
24. Sodirzoda, M. M. (2021). Ways to cultivate the creative thinking of beginners in the classroom through information and communication technologies. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 955-958.
25. Sodirzoda, M. M. (2021). Ways to cultivate the creative thinking of beginners in the classroom through information and communication technologies. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 955-958.
26. Mukhtoriy, M. S. (2022). BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING NUTQINI HIKOYALAR YORDAMIDA O'STIRISHNING MNEMOTEXNIKASI. *IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIIY JURNALI*, 2(11), 183-188.
27. Sodirzoda, M. M. (2021). WAYS TO USE APHORISMS IN THE CULTIVATION OF SPEECH OF JUNIOR SCHOOL PUPILS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 985-986.
28. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. (2021). Development and education of preschool children. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*, 11(2), 326-329.
29. Shavkatovna, S. R. N. (2021). METHODOICAL SUPPORT OF DEVELOPMENT OF CREATIVE ACTIVITY OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS. *Conferencea*, 74-76.
30. Shavkatovna, S. R. (2021). DEVELOPING CRITICAL THINKING IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS. *Conferencea*, 97-102.
31. Oljayevna, O., & Shavkatovna, S. (2020). The Development of Logical Thinking of Primary School Students in Mathematics. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(2), 235-239.
32. Shavkatovna, S. R. (2021). Methodological Support for The Development of Primary School Students' Creative Activities. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 2, 121-123.



33. Shavkatovna, S. R. (2021). Improvement of methodological pedagogical skills of developing creative activity of primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 289-292.
34. Ra'noxon, S. (2022). BOSHLANG'ICH MAKTAB O'QUVCHILARIDA MATEMATIKAGA MUNOSABAT. *IJTIMOY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(11), 203-207.
35. Шарофутдинова, Р., & Абдуллаева, С. (2022). ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕНТАЛ АРИФМЕТИКА. *IJTIMOY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(11), 235-239.
36. Nabijonova, F. (2022). Boshlangich sinflarda didaktik oyinlarning ahamiyati: Nabijonova Feruza. *Qo'qon universitetining ilmiy materiallar bazasi*, 1(000006).
37. Dilfuza, S., Nabijonova, F., & Matlubaxon, A. (2022). TA'LIM VA O'QITISH NAZARIYASINING MUHIM JIHATLARI. *INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM*, 2(19), 366-372.
38. Erkinovna N. S. Educational Methods in Teaching the Russian Language //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2022. – Т. 3. – №. 11. – С. 260-263.
39. Erkinovna, Nurmatova Sadbarkhon. "Educational Methods in Teaching the Russian Language." *American Journal of Social and Humanitarian Research* 3.11 (2022): 260-263.
40. Erkinovna, N. S. (2022). Educational Methods in Teaching the Russian Language. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(11), 260-263.
41. Rahmonov, U., Ergashev, A., Nazhmetdinova, M., & Usmonova, S. (2021, November). IN THE FORMATION OF THE SOCIO-SPIRITUAL THINKING OF YOUNG PEOPLE IN THE MUSICAL ART OF THE GREAT SCHOLARS OF THE EASTERN RENAISSANCE POSITION HELD. In *Archive of Conferences* (pp. 36-39).
42. Karimovich, U. R., Mamasodikovna, N. M., & Abdullaevich, E. A. (2021). The Role and Importance of Music Clubs in The Leisure of Young People. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 47-49.
43. Rahmonov, U., Ergashev, A., Atabaeva, S., & Dilfuzakhon, S. Y. (2021, December). THE ROLE OF THE SPIRITUAL ENVIRONMENT IN THE PENETRATION OF POP MUSIC IN UZBEKISTAN. In *Archive of Conferences* (pp. 51-53).
44. Rahmonov, U., Ergashev, A., Atabaeva, S., & Dilfuzakhon, S. Y. (2021, December). THE ROLE OF THE SPIRITUAL ENVIRONMENT IN THE PENETRATION OF POP MUSIC IN UZBEKISTAN. In *Archive of Conferences* (pp. 51-53).
45. Ulugbek, R. (2021, January). AN ANALYSIS OF WORDS WHOSE EMOTIONAL MEANING CHANGES IN MODERN ENGLISH LINGUISTICS. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 131-136).

46. Gulnoza, R., & Lola, K. (2022). Obrazlar Talqinida Lingvistik Imkoniyatlar. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 3), 91-95.
47. Kalandarovna, Y. L. (2022). Identification And Education Of Gifted Children. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(10)*, 42-47.
48. Yulchiboyeva, L. Q. (2022). IRIM-SIRIM BILAN BOG 'LIQ TIL BIRLIKLARINING TAHLILIIY O 'RGANILISHI. *IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(11), 170-175.
49. Gulnoza, R., & Lola, K. (2022). Obrazlar Talqinida Lingvistik Imkoniyatlar. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 3), 91-95.
50. Sohiba, Z., & Gulnoza, R. (2022). LINGVOKULTUROLOGIYADA "SOG'INCH" KONSEPTINING QO'LLANILISHI VA O'ZIGA XOSLIKLARI. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(8), 711-717.
51. Sohiba, Z., & Gulnoza, R. (2022). MATNLARDA OBRAZLAR SILSILASI VA ULARNING LINGVOPRAGMATIK TALQINI. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(9), 366-369.
52. To'lqinovna, Y. D. (2022). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA MATEMATIK TASAVVURLARINI SHAKLLANTIRISH METODLARI. *BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(11), 25-31.
53. Yuldasheva Dilshoda To'Lqinovna (2022). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA BADIY TASVIRLAR ORQALI IZCHIL NUTQNI RIVOJLANTIRISH. *Science and innovation*, 1 (1), 741-750. doi: 10.5281/zenodo.653521
54. Yuldasheva, D. (2021). AGE AND THE SECOND LANGUAGE ACQUISITION. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 2(04), 124-130.
55. Tulkinovna, Y. D. (2021). On the Principle of Simple to Complex in the Development of Speech in Young Children. *International Journal of Culture and Modernity*, 10, 32-35.
56. Mohinur, D., & Rahimjon, U. (2022). A Study Of Memory Processes And Their Development In Preschool. *Uzbek Scholar Journal*, 5, 62-65.
57. Rahim, U. (2021, May). SOCIAL FACTORS OF THE INTERDEPENDENCE OF MENTAL AND PHYSICAL ACTIVITY. In *Archive of Conferences* (Vol. 25, No. 1, pp. 6-7).

58. Usmonov, R. (2022). O'SMIRLAR XULQIDA NAMOIYISHKORLIK G'AYRATLILIK XUSUSIYATLARI TADQIQ ETISH METODOLOGIYASI. *Science and innovation*, 1(B8), 127-135.
59. Usmonov, R. (2022). O'SMIRLIK DAVRI SHAXSIGA XOS ILMIY-NAZARIY YONDOSHUVLAR. *Science and innovation*, 1(B8), 120-126.
60. Iqboljon, S. (2022). BOSHLANG'ICH SINIF O'QUV JARAYONIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(20), 137-140.
61. Расулов, М. Ф., & оглы Кодиров, Ш. М. (2021). ФАРФОНА ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲА (Пир Сиддик ва “Киргил ота мазор” зиёратгоҳлари мисолида). *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, 4(8).
62. Rahimjon o'g'li, A. A. (2022). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA MANTIQUIY TAFAKKUR RIVOJLANISHINING IJTIMOIIY PSIXOLOGIK MEKANIZMLARI. SO'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI, 1(2), 116-119.
63. Asqarov Anvarjon Rahimjon o'g'li. (2022). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING AQLIY TARAQQIYOTINING RIVOJLANISHIDA O'YIN RIVOJLANTIRUVCHI FAOLIYAT SIFATIDA. *Uzbek Scholar Journal*, 5, 207–209.
64. Askarov, A. (2022). CREATIVE THINKING IN PRESCHOOL SOCIAL PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF DEVELOPMENT. *Science and innovation*, 1(B8), 87-91.
65. Abdusalom Soliyev, & Ma'Rifatxon Jabborova (2022). MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI TARBIYALANUVCHILARI ONGIDA MILLIY MUSIQIY OHANGLARGA MOYILLIKNI SHAKLLANTIRISHDA MILLIY CHOLG'ULARNING O'RNI. *Science and innovation*, 1 (1), 637-646. doi: 10.5281/zenodo.652915
66. Kakharovna, A. M., Tadjimatovich, Y. M., Rakhmatovich, S. O., & Mirzahamdamovna, Q. B. (2021). Modern Approaches to the Teaching of Fine Arts. *Solid State Technology*, 64(2), 4250-4254.
67. Nazokat, A., Ibrokhim, Y., & Makhpuzakhon, A. (2021). FACTORS OF DEVELOPMENT OF FINE ARTS.
68. M. Ahmedbekova (2022). ЁШ АВЛОДНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАСВИРИЙ САЊАТНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. *Science and innovation*, 1 (B8), 112-119. doi: 10.5281/zenodo.7336303